



# SCIENCE TIME

## ШУХРАТ ТЎРТЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Алдашева Ширин Жалгасовна**

*Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*E-Mail: [aldashevashirin2121@gmail.com](mailto:aldashevashirin2121@gmail.com)*

**Аннотация:** Мақолада тўртлик поэтик шакли адабиётишуносларнинг илмий-назарий қарашлари асосида унинг вазни, қофияланиш тартиби ўрганилиб, мумтоз адабиётдаги рубоий жанри билан қиёсланади. Ўзбек шеърлятида тўртликларнинг поэтик шакл сифатидаги ўрни белгилаиб, Шухрат тўртликлари негизда таҳлил қилинади.

**Калим сўзлар:** поэтик шакл, тўртлик, шеърлят, қофия, вазн, ҳижо, мисра, мустақил шеър, мисра, адабиётишунос, фольклор, жанр, мумтоз шеърлят, концепция, шоир.

**Аннотация:** В статье исследуется стихотворная форма четверостишия на основе научно-теоретических взглядов литературоведов, ее метрика, порядок рифмовки, а также сравнивается с жанром рубаи в классической литературе. Роль четверостишия как поэтической формы в узбекской поэзии определяется и анализируется на основе четверостиший Шухрата.

**Ключевые слова:** поэтическая форма, четверостишие, поэзия, рифма, хиджо, стих, самостоятельное стихотворение, стих, литературовед, фольклор, жанр, классическая поэзия, концепция, поэт.

**Annotation:** Abstract: In the article, the poetic form of the quatrain is studied based on the scientific and theoretical views of literary scholars, its weight, rhyming order, and compared with the genre of rubai in classical literature. The role of quatrains as a poetic form in Uzbek poetry is defined and analyzed on the basis of Shuhrat quatrains.

**Key words:** poetic form, quatrain, poetry, rhyme, weight, hijo, verse, independent poem, verse, literary critic, folklore, genre, classical poetry, concept, poet.

### КИРИШ.

Тўртлик ўзбек шеърлятининг тараққиёти тарихида етакчи мавқега эга бўлган поэтик шакллардан бири бўлиб келмоқда. Тўртликнинг ўзи нима? Қандай хусусиятлар тўртлик табиатини белгилаб беради? «Тўртлик – жаҳон халқлари шеърлятидаги энг машҳур, кўп қўлланиладиган шеърлий шакл ҳисобланади. Аксарият, *а-а-в-в*, *а-в-а-в*, *а-в-в-а* ва Шарқ шеърлятида эса, *а-а-в-а* тарзидаги қофияланиш тартибига эга. Ҳижолари, вазни турлича; кўпинча тўққиз, ўн бир бўғинли бўлади» [1:338].

### МЕТОДЛАР.



# SCIENCE TIME

Атоқли адабиётшунос Л.И.Тимофеев билан С.В.Тураев томонидан тузилган ва нашрга тайёрланган «Адабиётшунослик терминлари луғати»да эса ушбу таъриф-тушунчага анча кенг ва чуқур изоҳ берилган: «Катрен (французча quatrain) – тўртлик. «Катрен» атамаси фақат тугалланган фикрни ифодаловчи тўртликка нисбатан қўлланган...» [2:123].

Ўзбек тилидаги илмий манбаларда эса ушбу таърифлар Шарқ шеърятининг бадий-эстетик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда янада тўлдирилган. Хусусан, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг фикрича, «Тўртлик – тўрт мисрадан иборат мустақил шеърӣ асар. Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб фольклорда пайдо бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тўртликлар рубоидан ўзининг шаклий ҳамда мазмуний жиҳатлари билан фарқланади. Тўртликнинг мавзу доираси кенг бўлиб, уларда турли ҳаётӣ воқеалар акс эттирилиши мумкин... Тўртликда ижодкорнинг бирор ҳаётӣ воқелик ҳақидаги таассурот ва хулосалари лўнда, поэтик ифодаланади» [3:356].

«Тўртлик – шеърнинг кенг тарқалган банд тузилишидан бири бўлиб, унда биринчи мисра билан учинчи, иккинчи мисра билан тўртинчи мисралар қофияланади. Шарқ поэзиясида тўртликнинг ўзига хос тури рубоидир. Рубоӣ форс-тожик поэзиясида дубайт (икки байт) деб ҳам юритилади» [4:231].

Мақолада тўртликларнинг поэтик шаклини аниқлашда тарихий-типологик ва қиёсий-чоғиштира усуллардан фойдаланилди.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.**

Илмий-назарий манбаларда кўрсатилганидек, рубоӣ жанри мумтоз шеърятда кенг тарқалган бўлиб, унинг юксак намуналарини Умар Хайём, Бобо Тохир Урөний, Абдулмажид Санойӣ, Жалолоддин Румий, Саъдий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоӣ, Бобур ва Бедиллар яратган ва оламшумул шуҳрат қозонган.





# SCIENCE TIME

Рубойнинг шаклан ихчам ва таъсирчан шеърий жанр эканлиги унда фалсафий, ахлоқий-таълимий, панд-насихатомуз ва сўфиёна фикр ва туйғуларни ифодалаш имконини берган. Ана шундай хусусиятларга эга бўлган рубой инсон қалби ва онгида кечган ғоят мураккаб ва хилма-хил фикр-туйғуларни чуқур акс эттира оладиган ўзига хос бир кўзгудир. Рубойнинг келиб чиқишига халқ шеъриятидаги тўртликлар муҳим асос бўлиб хизмат қилганлиги манбаларда тўғри таъкидланган [5:226]. Рубой шакл жиҳатидан ихчам, кичик лирик жанр бўлса ҳам, аммо унда чуқур поэтик фикр, катта фалсафий умумлашмалар ифодаланиши мумкинлиги унинг мустақил жанр сифатида кенг ёйилиши ва таракқий топишига сабаб бўлади.

Рубой жанрининг ўзига хос (специфик) бир хусусияти ва талаби ҳам шуки, унда чуқур фалсафий-дидактик, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ёки ишқий-руҳоний ғоя ва мазмун ўзининг яхлит, поэтик мукамал ифодасини топиши лозим.. Англашиляптики, тўртлик поэтик шакли билан рубой жанри муайян даражада ўхшашлика эга бўлса-да, улар шаклий ҳамда мазмуний хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Биринчидан, шаклий – қофияланиш тартибига кўра аксарият тўртликлар одатда *аавв, авав, авва* тарзида тугаллик касб этса, рубойлар *аава, аааа* шаклида қофияланиб, мухтасар мукамалликка эга бўлади. *аааа* шаклида қофияланган рубойлар «таронаи рубой» деб аталади. Иккинчидан, рубойлар ўзининг поэтик матнида ифодаланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, фалсафий-дидактик мазмуннинг кўламдорлиги ҳамда теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис, рубой мавзу-муаммоларга ёндашиш ҳамда ёритишдаги ўзига хос поэтик контекстга эга бўлган мустақил лирика жанри ҳисобланади. Шунингдек, рубой аруз вазнининг муайян баҳрида ёзилиши ҳам мумтоз шеъриятнинг муҳим бир қويدаси бўлган. Кўрамикки, ҳаёт материални бадиий-эстетик жиҳатдан ёритиш ва умумлаштириш хусусиятларига кўра шаклий белгилари (*аабб, авав, авва* қофияланиш тартиби) ҳамда



# SCIENCE TIME

мазмундорлиги жиҳатидан тўртликлар ҳам алоҳида шеърий шакл сифатида ўзбек шеъриятининг тараққиёт тарихида мумтоз ўрин тутиб келади. Мазкур фикрлар мавжуд илмий-назарий адабиётларда ҳам турлича йўсинларда таъкидлаб келинади [6:196-156-158].

Бинобарин, «Шарқ поэзиясида кенг тарқалган рубоий халқ шеъриятидаги тўртликлардан шаклий асос олган бўлиб, ўз темаси ва ғоясига, барқарор жанр хусусиятларига, кичик шеърий шаклга эга бўлган мустақил ва мукамал асардир» [7:52-56]. Демак, туркий шеъриятнинг етакчи поэтик шаклларида бири бўлган тўртликларда қалб сабоқлари, фикр-мушоҳадалар кенглиги, туйғулар моҳияти ва руҳий кечинмалар ҳикмати етакчилик қилади. Бу борада шоирнинг бадиий тафаккур тарзи муҳим бўлиб, у бадиий матн моҳиятини ойдинлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шухратнинг куйидаги тўртлиги бу жиҳатдан характерлидир:

*Ҳаётнинг ҳайратли бир ишига боқ:*

*Сигиру илонга макон бир ўтлоқ.*

*Бир ўтдан шум илон ясайди заҳар,*

*Шу ўтдан сигир-чи, оппоқ сут-қаймоқ [8:179].*

Шухрат лирикасида қайси мавзуга мурожаат этмасин, хоҳ табиат ёки севги-муҳаббатми, хоҳ Ватан меҳри ёки она юртга садоқатми, хоҳ умр-тириклик масъулиятими – барча-барчасида бадиий шартлиликнинг мажозий талқинларига асосланган поэтик тафаккур тарзи ижодкорнинг индивидуал ўзига хослигини таъминлаган устувор фазилат сифатида бўй кўрсатади. Хусусан, олам ва одамнинг бирлиги ҳаётнинг гўзаллигини таъминлайди, деган концепция шоир шеърларининг яхлитлиги ҳамда поэтик ўзига хослигини таъминлаб туради. Яъни табиатсиз одамнинг тириклигию, инсонсиз табиатнинг гўзаллиги ҳеч қандай маъно касб этмайди, деган фалсафий нуқтаи назар Шухратнинг тўртликларидан тортиб мураккаб сюжетли шеърларигача барчасини бирлаштириб турадиган устувор ғоявий-





# SCIENCE TIME

бадий концепция бўлиб, унинг асарларига поэтик тугаллик ва мукамаллик бағишлайди.

Шуниси муҳимки, Шухрат шеърларида ўғитбозликка берилмайди. Тириклик шеваларию, ҳаёт ташвишлари ва қувончлари хусусида яқин сирдошлар сингари ўқувчи билан кўнглидагини бўлишади, ҳамроз дўстлар сингари суҳбатлашади, дардлашади.

Шу маънода, унинг аксарият шеърлари хотимасида ўз аксини топган умумлашма тарикасида айтилган фикрлар панд-насихатга мойилдек таассурот қолдириши мумкин. Лекин улар ўзига хос ахлоқий, ижтимоий, фалсафий мазмуни билан шоирнинг узок йиллик ҳаёти сабоқларининг муайян ҳосилалари эканлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, улар ижодкорнинг интеллектуал ҳамда эмоционал ҳаётий тажрибаларининг маълум бадий шаклда ифодаланган поэтик синтези маҳсулидир. Шу боис, бу тўртликлар дидактик схематизмга асосланган пандномалардан юқори туради ва ўқувчини фикран ва қалбан бойитади.

*Тогда сув ҳамиша тиниқ ва тоза,  
Мен лойқа кўраман уни қуйида.  
Дўстларим, қарангиз, қайси бемаза  
Нималар қиляпти ариқ бўйида [8:223].*

Шухратнинг бундай таъсирчан тўртликларида шоирнинг поэтик индивидуаллигини кўрсатувчи бадий усуллардан бири – бу аввало ҳаёт хоссаларининг характерли жиҳатларини очиб берувчи манзара яратиш приёмидир. Яъни шоир, аввало, бадий фикр парвози учун майдон ҳозирлайди ва шундан кейингина одамларнинг интеллектуал оламини бойитишга қаратилган пурмаъно умумлашма-хулосалари билан ифода этилаётган фикрга қанот бахш этади.

Демак, юқорида кўриб ўтганимиздек, Шухратнинг табиат ва инсон талқинидаги тўртликлари кўпроқ ҳикматли дидактика асосига қурилган. Унинг «Ўт тушган юракка...», «Туғилмоқ...», «Баҳор келди», «Боғ ҳувиллар»,



# SCIENCE TIME

«Бахт излаб», «Гул узмоқ...», «Қатикнинг юзини...», «Қор эриди...», «Нишонни тўғрилаб» ва бошқа шу каби ўнлаб тўртликлари халқона ҳикматнинг ўзига хос бадиий умумлашмалари бўлиб, ахлоқий-дидактик фикрларга бой бу асарлар ибрат ва сабоқ тариқасидаги мазмундорлиги билан ажралиб туради. Зеро, Шухратнинг бадиий тафаккурида табиат ҳар қандай жамиятнинг гули, инсон эса – гултожи, деган бош маъно устуворлик қилади. Шоир табиат инсоннинг маънан ва жисман камол топишида бебаҳо устоз вазифасини бажаришини табиий деталларнинг тимсолий образлари воситасида очиб беришга ҳаракат қилади. Ҳамиша ҳикмат ва ибрат манбаи бўлганлиги туфайли ҳаёт – инсон учун боқий муаллим, деган маъно Шухрат тўртликларининг туб моҳиятини, мағзини ташкил қилади.

Шухрат тўртликларида ифодаланган табиат ранглари англатган поэтик маъно бизга ҳаётдаги азалий (оқ ва қора, ёруғлик ва қоронғилик, эзгулик ва залолат, нур ва зулмат ва ҳ.к.) кучлар нисбатини эслатади. «Ёлғиз шуъла», «нур» каби рамзий образлар воситасида умримизни янада бойитувчи ва гўзаллаштирувчи ёруғликнинг шарофатини, шуъла монанд тирикликнинг ибратли маъноларини ўқишга даъват этади. Шухратнинг табиат ва инсон моҳиятининг талқинларига доир тўртликлари ўзининг ҳикматли дидактик руҳи ва кўламдор фалсафий мазмуни билан аҳамиятлидир.

Шоир тўртликларидаги йўл, буғдой, ун, тупроқ, гўр, боғ, тун ва бошқа поэтик образлар фалсафий-ахлоқий маънодорлиги билан ҳаётнинг боқийлигини, ёруғликнинг уйғоқ нафасини, ҳаёт гўзаллигининг тийрак нигоҳини англатиб туради.

## **ХУЛОСА:**

1. Ўзбек шеъриятида муҳим ўрин тутган тўртлик поэтик шакли ўзига хос маъно йўналиши, услубий ифодаси ва поэтик образларнинг талқинига кўра алоҳида ажралиб туради.

2. Шоир Шухрат тўртликларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу асарларда дидактик йўналиш кучли бўлиб, ҳаёт – биз учун устоз, табиат –





# SCIENCE TIME

мураббий, деган етакчи бадиий пафос яққол кўзга ташланади. Тўртликларнинг сюжет-композицион қурилишида суҳбат усулининг кенг қўлланилиши поэтик мушоҳадакорлик, муҳокама-мулоҳаза, фикрлашга ундаш сингари турли шаклдаги ифода кўринишларининг юзага чиқиши учун имкон туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, ҳаётий мазмунни халқона таъсирчан ҳикматга айлантириш, энг муҳими, бадиий матн моҳиятини англатувчи ибратомуз ўғит ва ҳикматнинг ифода шакли билан мазмун теранлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди.

3. Шуҳрат тўртликларида қўлланилган майса, дарахт, шамол, қушча, сут, илон каби поэтик образлар ибратли маъно ифодалашига кўра тимсолий мазмун ташувчи ёрқин бадиий деталь сифатида гавдаланади. Шоирнинг «Лочинга кўз керак, бургутга қанот...», «Либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси...», «Мен сенинг қабринга келаман бот-бот...», «Олам асли чала битган бир бино...», «Қурбақа табиат кишилар ҳам бор...», «Қафасдан кенгликка интилган қушдек...» ва бошқа шу каби тўртликларидаги боғ, кўчат, қурбақа, соч оқи, шуъла образлари табиат ҳаётига рангдорлик, тириклик, ёруғлик бахш этиб туради. Боғ нафаси, кўчатлар, нур ва гул лирик қаҳрамоннинг бир умрлик азалий қадрдонлари. Улар лирик қаҳрамон тириклигига мазмун, қалбига илиқ нур бағишлаш билан бирга ёруғликнинг боқийлигини, ҳаётнинг тотли, олий неъмат, беназир иноят эканлигини тасдиқлайди.

4. Шуҳрат тўртликлари халқона ҳикматга йўғрилган инсонпарварлик ва фалсафий мазмун йўналиши билан ҳам ўзига хос. Шоир шеърларида чуқур акс эттирилган табиат ранглари ва хоссалари ўз моҳиятига кўра сабоқ ва ибрат тариқасидаги ҳаётий мазмун касб этиши билан характерланади ва уларнинг бадиий-эстетик аҳамиятини кучайтиради.



# SCIENCE TIME

## АДАБИЁТЛАР:

1. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 338.
2. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 123.
3. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, Ўқитувчи. 1983. – Б. 356.
4. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, Ўқитувчи. 1984. – Б. 226.
5. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, Ўқитувчи. 1984. – Б. 226.
6. Шуқуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, Ўқитувчи. 1979. – Б. 196;
7. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Тошкент, Ўқитувчи. 1978. – Б. 136; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат. 1976. – Б. 52-56.
8. Шухрат. Лирика. – Тошкент, Адабиёт ва санъат. 1973. – Б. 223.